

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИНИНГ 08.09.2016 йилдаги
602/1-сонли ҚАРОРИДАН КЎЧИРМА

Якка тартибда уй-жой куриш учун ер участкалари ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 27-моддаси, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабрдаги “Якка тартибда уй-жой курилишини ташкил этиш ва уй-жой курилиши учун ер участкаларини ажратиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 272-сонли қарорига мувофиқ, Тошкент шаҳар ҳокимининг 1994 йил 22 мартдаги 177-ф-сонли фармойиши, 2013 йил 30 январдаги 79-сонли, 2015 йил 9 февралдаги “Якка тартибда уй-жой куришга мўлжалланган ер участкаларини ажратиш ҳақида”ги 102-сонли, 2015 йил 9 февралдаги “Якка тартибда уй-жой куришга мўлжалланган ер участкаларини ажратиш ҳақида”ги 105-сонли, 2015 йил 17 августдаги “Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Якка буюртмачи хизмати” инженеринг компанияси ер майдонларини курилиш ишларига тайёрлаш бўйича буюртмачи этиб белгиланган ҳақида”ги 738-сонли, 2016 йил 15 январдаги “Якка тартибда уй-жой куришга мўлжалланган ер участкаларини ажратиш ҳақида”ги 35-сонли, 2016 йил 2 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 28 июндаги 215-сонли қарори ижроси ҳақида”ги 607-сонли, 2016 йил 17 августдаги 763-сонли, 2017 йил 20 январдаги “Якка тартибда уй-жойлар курилиши учун ер майдони ажратиш ҳақида”ги 50-сонли, 2017 йил 5 октябрдаги “Якка тартибда уй-жойлар курилиши учун ер майдони ажратиш ҳақида”ги 1354-сонли, 2017 йил 5 октябрдаги “Якка тартибда уй-жойлар курилиши учун ер майдони ажратиш ҳақида”ги 1355-сонли қарорларига асосан ҳамда Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан тақдим этилган ҳужжатларни инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Уй-жойлари бузилишига тушган ва шахсий уй-жойини топширувчи оилаларга ер майдони мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан якка тартибда уй-жой куриш учун ер участкалари иловадаги:

1.2. Тошкент шаҳар Олмазор тумани Себзор Ц 17/18, 34-уй 2-хонадонини (2-хонали) топширувчи фуқаро Makulova Sevaraxon Nurillaevnaга Олмазор тумани Чуқурсой 41-худуди бўйлаб майдони 400 кв.м.дан бўлган 147-сон участкаси ажратилиб берилсин.

2. Якка тартибда уй-жой қуриувчиларга қуйидаги мажбуриятлар юклатилсин:

2.1 Берилган ер участкасида фақат якка тартибда уй-жой куриш учун фойдаланиш.

2.2 Ўрнатилган тартибда ер участкасини шаҳар ва вилоятнинг тегишли туман органларида давлат рўйхатидан ўтказиш ва курилиш билан боғлиқ ҳужжатларини расмийлаштириш.

2.3 Уй-жой ва ёрдамчи-хўжалик иморатларини шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига амал қилган ҳолда, қелишилган ва тасдиқланган лойиҳаларга мувофиқ куриш.

2.4 Белгиланган ер участкасида курилиш ишлари тугаллангандан сўнг бир ой мобайнида уй-жойни ҳамда унга бўлган ҳуқуқни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш.

2.5 Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддасида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар юзага келганда, ажратилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқ бекор қилиниши ҳақида огоҳлантирилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими

Р.Усмонов